ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01000

МУЛОҚОТДАГИ ҚИЙИНЧИЛИКНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАЛҚИНИ

Эътибор Рустамовна Рахимова
Урганч давлат университети мустақил тадқиқотчиси
sapayev-2017@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бугунги ижтимоий муносабатларда кўп кузатилаётган мулоқотдаги қийинчиликлар ва уларнинг психологик талқини масаласи таҳлил қилинган. Муаллиф бу масала ҳусусидаги турли тадқиқотчиларнинг фикрларини келтирган. Ва мақола якунида бу масалани ўрганишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида мулоҳазалар келтирган**.**

Калит сўзлар: ўзлигини билиш, шахс тараққиёти, нутқ жараёни, ташқи таъсирлар, катталар билан ҳамқорлик, ахборот алмашиш, идрок қилиш, стихияли, ижтимоий йўналган мулоқот, ўйин ва ноўйин шакллар.

PSYCHOLOGICAL INTERPRETATION OF DIFFICULTIES IN COMMUNICATION

ABSTRACT

This article analyzes the difficulties of communication and their psychological interpretation, which are often observed in today's social relations. The author cites the views of various researchers on this issue. At the end of the article, he discusses the specifics of studying this issue.

Keywords: self-knowledge, personal development, speech process, external influences, cooperation with adults, information exchange, perception, spontaneous, socially oriented communication, play and play forms.

КИРИШ

Бугунги кунда ёш авлодни юксак маънавиятли қилиб шакллантириш, мустақил мамлакатимизнинг ишончли ва интелектуал салоҳиятли фуқоралари этиб тарбиялаш узлуксиз таълим тизимининг долзарб вазифаси бўлиб ҳисобланади. Зеро юртбошимиз таъкидлаганидек: “Жамият бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, керак бўлса энг муқаддас мақсад, деб билади”. Дарҳақиқат, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи учун жамиятнинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01000

институтлари масъулдир. Айниқса, баркамол авлодни шакллантиришнинг амалиётини таъминлашда, бу борадаги илмий муаммоларнинг ечимини топиш, олға сурилган назарий хулоса ва тасвияларни таълим-тарбия амалиётига тадбиқ этиш жамиятимизнинг ота-оналар, тарбиячи-ўқитувчилар узлуксиз таълим тизими олдига қўядиган давлат буюртмасини самарали бажарилиши гаровидир.

Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг келажаги ёш авлоднинг қандай таълим олишига ва қай тарзда тарбияланишга боғлиқ. Ана шундай авлодгина мамлакат олдида турган халқнинг тарихий тақдирини белгилаб бера олади. Шунга кўра, ёш авлодни миллий мустақиллик руҳида тарбиялаш давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Юнон файласуфи Платон: “Кишилар ўзлигини билиши учун у ўзининг давлатини мамлакатини билмоғи зарурдир, ана шундагина у ўзини ана шу давлатининг жамиятининг, маданиятининг ажралмас таркибий қисми эканлигини англаб етади”, - деб таъкидлайди. Демак, киши муайян жамият ва маданиятга мансублигини билиши ва англаши туфайли ўзини тўлақонли ҳис қилади, борлигича номоён этади, жамият қонунлари ва анъаналарини ўзида ўзлаштиради, уларга амал қилади. Шунинг замирида кишиларнинг индивидуал ва ижтимоий онги шаклланиб боради, ундаги “Мен” тушунчаси аста секин “Биз” тушунчаси томон силжиши кузатилади.

Маълумки, шахс тараққиётида ўзига хос ривожланиш босқичларини қамраб олади. Айнан мазкур жараёнда шахсда мулоқотга бўлган эҳтиёжнинг шаклланишига таъсир этувчи психологик омилларини ўрганиш муаммонинг долзарблигини белгилаб беради. Айниқса шахснинг ижтимоийлашуви, шахслараро муносабатларга киришиш жараёнидаги мулоқотдаги қийинчиликлар ҳозирги кунда психология фанида қўйилаётган муҳим масалалардан бири эканлиги ҳаммамизга аён.

Мулоқот фақат инсонларга хос бўлган жараёндир. Кишиларда фаолият жараёнида бир - бирларига ниманидир айтиш истаги туғилади.

Мулоқот - одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир Мулоқот (муносабат) биргаликда фаолият кўрсатувчилар ўртасида ахборот айирбошлашни ўз ичига олади. Бунда муносабатнинг коммуникатив жиҳати ҳисобга олинади. Кишилар муносабатга киришишда аввало тилга мурожаат қиладилар.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01000

Мулоқотнинг яна бир жиҳати муносабатга киришувчиларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати - нутқ жараёнида фақат сўзлар билан эмас, балки ҳаракатлар билан ҳам айирбошлашдан иборат. Масалан, муносабатга киришар эканмиз, у бизни қониқтирса имо-ишора билан мулоқотда бўламиз. Муносабатнинг кейинги жиҳати мулоқотга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок эта олишларидир. Масалан, биз бир киши билан мулоқотга киришишдан аввал уни ҳурмат қилиб ёки менсимасдан муносабатда бўламиз. Демак, мулоқот жараёнида коммуникатив (ахборот узатиш), интерактив (ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш) ва перцептив (ўзаро биргаликда) идрок этиш амалга оширилади.

Мулоқот қонуниятларини билиш ҳамда уни ўрнатиш малакалари ва қобилиятларини ривожлантириш ҳар бир киши учун муҳимдир.

Ҳар бир кишининг ўз “Мен”и атрофдагилар билан бўладиган мулоқот жараёнида шаклланади, Шахснинг ҳаёт йўллари аввал оилада, боғча, мактаб, институт, ишхона, кексалар орасида, яъни гуруҳ ва жамоаларда ривожланади. Бизнинг юксак маънавий эҳтиёжларимиздан бири - бу мулоқотга бўлган эҳтиёждир. Мулоқотга бўлган эҳтиёжимиз қондирилмаса, онгимиз ҳам ривожланмайди. Шунинг учун биз доимо мулоқотга бўлган эҳтиёжларимизни қондиришимиз лозим. Кимлар биландир бўлган мулоқотдан қониқиш ҳосил қиламиз, лекин айрим ҳолларда эса биз қониқмасликни ҳис қиламиз.

Мулоқот ташқи таъсирлар, намуналар асосида ўзини-ўзи тузатиш, қайта тарбиялаш, шахсий имкониятини руёбга чиқариш учун пухта замин ҳозирлайди, комиллик сари етаклайди.

Баркамол инсонларнинг муомала мароми, мулоҳаза юритиш услуби, муносабатга киришиш ўқувчанлиги, вазиятдан чиқиш салоҳияти ҳам, бошқа одамлар томонидан тақлид қилинади ва ҳаёт тажрибасида унга риоя этиб яшайди. Одамлар ўртасидаги шахслараро муносабат жараёнида ғайритабиий ижтимоий ҳолат ёки ҳодисага онгли таяниш - ўзини - ўзи мукаммаллаштириш, ўзини - ўзи руёбга чиқариш, ўзини-ўзи бошқариш, ўзини - ўзи баҳолаш, ўзига - ўзи буйруқ бериш шахснинг руҳий дунёсида муҳим камолот босқичидир. Шунинг учун ички ва ташқи тақлиднинг тушуниш ҳамда уларни босқичма-босқич эгаллаб бориш - бўлғуси мутахассиснинг касбий тайёргарлиги ҳамда баркамол шахс сифатида шаклланишининг гаровидир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01000

Мулоқотга кириша олмасликнинг асосий сабаби - бу ўзини - ўзи ортиқча ёки паст баҳолаш туфайли ўзига ва уни қуршаб турган одамларга нотўғри муносабатдир. Бунинг олдини олиш имкониятлари мавжуд бўлиб, асосан қуйидагиларга аҳамият бериш ижобий самаралар сари етаклайди:

1) ҳамкорлик фаолиятида, мулоқотлар тизими орқали мулоқот жараёнининг барча аъзолари ўртасида инсонпарварлик муносабатларини ташкил қилиш, эмоционал муҳитни таққослаш имкониятини юзага келтириш.

2) мулоқотда ички муносабатлар тизимида ҳар бир аъзонинг қулай позициясини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш.

3) инсоннинг мулоқот хусусиятлари, мароми, усуллари, шакллари тўғрисидаги ахборотни эгаллашга оид махсус машғулотларни уюштириш.

4) шахслараро муносабатлар ва мулоқот усулларига мўлжалланган ишбилармонлик ўйинлари, психодрама, тренинг тизимини яратиш.

Л. С. Виготский, А. Н. Леонтьев, А.Р. Лурия, Д.Б.Эльконин, А. В. Запорожец, М. И.Лисина тадқиқотларида кўрсатилишича, боланинг дастлабки ижтимоий эҳтиёжларидан бири - бу мулоқотга нисбатан эҳтиёждир. А.В.Запорожец ва М. И. Лисиналар тадқиқотларида таъкидланишича, болаларнинг катталар билан мулоқотга киришиш эҳтиёжи 7 ёшгача бир нечта босқичлар тарзида ривожланиб боради:

1) эътибор ва ҳайрихоҳликка эҳтиёж пайдо бўлади;

2) катталар билан ҳамқорлик қилиш эҳтиёжи туғилади;

3) аввалги барча эҳтиёжларга катталар томонидан ҳурмат қилиш эҳтиёжи туғилади;

4) мактабгача тарбия ёшидаги болада атрофдагилар билан ўзаро бир-бирини тушуниш эҳтиёжи вужудга келади

Замонавий психологияда шахс тушунчасига турли фаолият субъекти ва объекти сифатида доимий равишда мурожаат этади. “Фаолият субъекти” тушунчасининг қандай таснифланишидан қатъий назар, шахснинг атроф – муҳити, яшаш шароити ва жамиятдаги шахслараро муносабатлардаги фаоллигини ўрганишга қаратилади.

Психологик тадқиқотларда конструктив ҳулқ – атвор, эффектив, самарали мулоқот ва фаолият ўрганилган бўлса - да, деструктив ҳулқ – атвор, шахслараро муносабатларнинг бузилиши, хамкорликдаги фаолиятнинг мавжуд эмаслиги кўплаб қизиқишлар уйғотганига қарамай, жуда кам ўрганилгандир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01000

Психологлар, психотерапевтлар, этнографлар, социологлар, файласуфларнинг сай – ҳаракатлари натижасида психологиянинг янги мулоқот ва мулоқотдаги қийинчиликлар психологияси йўналиши вужудга келди.

Замонавий психологияда ҳозирги вақтда ҳам мулоқотдаги қийинчиликлар муаммолари ўрганиб келинмоқда. Одатда, мулоқотдаги қийинчиликларни аниқлашда мулоқотнинг оптимал шакли билан қиёсланади.

Ўсмирлик даврида тенгдошлари билан мулоқот етакчи аҳамият касб этади. Бу даврда, тенгдошлари билан мулоқот қилиш эҳтиёжи марказий ўринга чиқади. Тенгдошлари билан мулоқотнинг самарали кечиши ўсмир шахсининг шаклланиши, ҳулқ – атвори ва фаолиятини ташкил этишга хизмат қилади.

Л.И.Божовичнинг фикрича, кичик мактаб ёшида ўқувчиларни бирлаштириш ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш орқали амалга оширилса, ўсмирларда бунинг акси, яъни ўсмирлар учун мулоқот ва фаолият жараёнидаги ўзаро қизиқишларнинг умумийлигидирх[1]. Мулоқот жараёнида ўсмирларда турли ҳил қийинчиликлар вужудга келиши мумкин. Психология соҳасида мулоқотдаги қийинчиликлар деганда турли хил бузилишлар, тўлиқ ёки қисман мулоқотга бўлган эҳтиёжларнинг қондирилмаслиги, субъектнинг мулоқотдан қониқмаслигига олиб келади. Ўсмирларда вужудга келувчи мулоқотдаги қийинчиликлар ўқув жараёнига ва шахслараро муносабатларга таъсир кўрсатади.

Шахс шаклланишига асосий таъсир этувчи омиллардан бири мулоқотдир. Мулоқотнинг шахс шаклланишидаги аҳамиятини рус психологларидан В.Г. Ананьев, А.А. Бодалев, Виготский ва бошқалар томонидан ўрганилган[2].

А.В.Петровский таҳрири остида чиққан “Умумий психология” дарслигида мулоқот икки ва ундан ортиқ кишилар ўртасидаги ахборот айрибошлаш, ўзаро таъсир ва бир-бирини тушунишдан иборат жараён сифатида эътироф этилади.

М.Г.Давлетшин муаллифлигида чоп этилган “Умумий психология” ўқув қўллан-масида: “Мулоқот – бу икки ёки ундан ортиқ кишилар орасидаги аффектив баҳоловчи ҳарактерда ва билиш бўйича маълумот алмашинишидан иборат бўлган ўзаро таъсир этишдир” – деб таъкидлайди.

М.Г.Давлетшин раҳбарлигида чоп этилган “Психология” қисқача изоҳли луғатида қуйидагича таъриҳ берилади: “мулоқот – икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ўзаро бир – бирига таъсир этиши. Одамлар ўртасида ахборот алмашиш, ўзаро таъсирнинг ягона йўлини ишлаб чиқиш, ўзгаларни идрок қилиш ва тушуниб баҳолаш характерига эга”.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01000

Б.Ф.Ломов: “мулоқот – унга суъбект сифатида киришувчи шахсларнинг ўзаро таъсири” – деб таъкидлайди.

М.В.Гамезо мулоқот шахс билан жамият ва шахслараро муносабатларнинг барча тизимларини амалга ошиши деб ҳисоблайди.

Мулоқот ёки муомала янги ахборотларнинг алмашинув жараёни ҳамдир, бу ҳақда Бернард Шоу қуйидагиларни қайд этади: «Агар менда битта олма ва сизда ҳам шунча олма бўлиб, ўзаро алмашсак, сизда ҳам, менда ҳам биттадан олма қолади, агар ҳар биримизда шахсий фикр бўлса ва ўзаро алмашсак, унда ҳар биримизда иккитадан ғоя бўлади» Ушбу таъкиддан ҳам мулоқот давомида ўзаро фикр алмашинув муносабатлари юзага келишини кўриш мумкин[3].

Рус психологи А.А.Бодалев «инсонни инсон томонидан идрок этилишига» синоним равишда «инсоннинг бошқа инсонни билиши» иборасини қўллайди. Инсон жамият аъзоси сифатида қабул қилинганлиги сабабли мулоқотда ҳам шахс сифатида намоён бўлади[4].

С.Л.Рубинштейн айтганидек, «биз инсонни ташқи хулқ-атворига қараб уни ўқиймиз». Бундан, инсонни ташқи қиёфаси уни қандай шахс эканлигидан далолат беришини англашимиз мумкин.

Мулоқот одамларнинг жамиятда ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларининг ички психологик механизмини ташкил этиб, у ҳозирги янги демократик муносабатлар шароитида турли ишлаб чиқариш қарорларини якка тартибда эмас, балки биргаликда чиқариш эҳтиёжи пайдо бўлганлиги ҳисобга олинганда, одамларнинг меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини таъминловчи муҳим омил эканлигини билдиради.

Д.И.Фельдштейн ўсмирлар мулоқотининг уч шаклини ажратиб кўрсатади:

- шахсий-интим мулоқот, гуруҳий
- стихияли, ижтимоий
- йўналган мулоқот[5].

Шахсий-интим мулоқот – шахсий симпатия туйғуси, “мен” ва “сен” ўзаро таъсир муносабатларига асосланган мулоқот шакли. Шахсий-интим мулоқот шахсларнинг қадриятлар, фикрлар ва ҳис-туйғулар бирлиги оқибатида вужудга келади. Шахсий-интим мулоқот шаклининг асосий кўринишлари муҳаббат ва дўстлик.

Гуруҳий – стихияли мулоқот – тасодифий “мен” ва “улар” ўртасидаги алоқа натижасида вужудга келади. Бу мулоқот шакли ўсмирларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этилмаган ҳолларда вужудга келади. Гуруҳий –

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01000

стихияли мулоқот натижасида турли норасмий гуруҳлар пайдо бўлади ва ўсмирларда агрессивлик, шавқатсизлик, хавотирланиш, тортинчоқлик кабилар шаклланади

Ижтимоий йўналган мулоқот – “мен” ва “жамият”нинг ўзаро таъсири натижасида вужудга келади. Ижтимоий йўналган мулоқот натижасида гуруҳлар, жамоалар ва хамкорликдаги муносабат кўникмалари шаклланади.

Психологиянинг асосий муаммоларидан бири бўлиб мулоқотдаги қийинчиликлар ҳисобланади. Шахсда норасмий мулоқот жараёнида вужудга келувчи қийинчиликлар билан расмий мулоқот жараёнида дуч келинмайди. Мулоқотдаги қийинчиликлар натижасида ўсмирда шахсий дискомфорт, хавотирланиш, психологик сиқилиш кабилар кузатилади. Булар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

-аутистиклик, кучли ёлғизлик ҳисси, бегоналашиш, мулоқотдан қочиш ;

-ижтимоий коммунабелликдаги қийинчиликлар – кечирим сўраш, ҳамдардлик билдириш, низоли вазиятлардан самарали чиқа олиш кўникмасининг мавжуд эмаслиги.

Юқоридагилардан аксарияти, ўсмир шахсида мулоқот жараёнида салбий эмоциялар, янги мулоқотлардан қочиш, ишончсизлик кабиларни уйғотади. Мулоқотдаги қийинчиликларнинг психологик ва коммуникатив соҳалари кузатилади. Мулоқотдаги қийинчиликларнинг психологик соҳасига шахснинг индивидуал хусусиятлари, мотивацион йўналганлиги, бегоналашиш ва ёлғизлик кабиларни ўз ичига олади.

Мулоқотдаги қийинчиликларнинг коммуникатив соҳасига ўсмирнинг мулоқотга кириша олиш қобилияти, овоз тони тембри каби хусусиятлар киради.

В.Н.Куницина томонидан мулоқотдаги қийинчиликларни қуйидаги қуйидаги икки гуруҳи таклиф этилган:

1. субъектив тарзда бошдан кечирилувчи қийинчиликлар. Улар ҳар доим ҳам мулоқотдаги ҳамроҳларга сезилмайди. Барча қийинчиликлар шахсда субъектив тарзда кечади.

2. объектив тарзда бошдан кечирилувчи қийинчиликлар. Бунда шахсда мулоқот жараёнидан ёки мулоқотдаги ҳамрохидан қониқмаслик, самарадорликнинг пасайиши кузатилади.

И.С.Кон, ўсмирларда энг кенг тарқалган мулоқотдаги қийинчилик тури – тортинчоқликдир. Унинг фикрича, ўзини тортинчоқ деб ҳисоблаган ўсмирларда интровертлик, ижтимоий муносабатлар тизимида ўз ҳулқ – атворини назорат

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01000

эта олмаслик, хавотирланиш, коммуникатив соҳадаги қийинчиликлар кузатилади.

Мулоқот жараёнидаги қийинчиликларни бартараф қилиш учун болаларни ёшликдан аввало оилада, сўнгра таълим масканларида мулоқотга ўргатиб борилади. Мулоқотга ўргатишнинг усулларидан бири машғулотлар тарзида шакллантиришдир. Болани боғча шароитида тарбиячи турли машғулотлар ўтказиб мулоқотга ўргатади. Аввал элементар ўзини тутиш, катталарга қандай гапириш, салом бериш, миннатдорчилик билдириш каби усулларни таркиб топширилади. Мактаб ёши даврида ва кейинчалик шахсга ижтимоий - психологик тренинглар ташкил қилиш орқали мулоқотга ўргатилади. Шахснинг ўзи бу усулларга ижобий муносабат билдириши, фаол ҳаракат қилиши зарур. Чунки шахс мулоқотда бўлмасдан фаолият субъекти сифатида ҳам, индивидуал инсон сифатида ҳам тўлақонли ривожлана олмайди. Тажрибали психолог А. А. Бодалев фикрича, ҳатто ўйин фаолиятида бола мулоқотда бўлади[6].Таълим жараёнининг асосида мулоқотга ўргатиш масаласи биринчи ўринда туради. Қолаверса меҳнат таълими жараёнида кишилар доимо мулоқотга эҳтиёж сезадилар. Мулоқотнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, у инсонни дунёқарашини кенгайтиради ва психикасини ривожлантиради. Яъни барча руҳий жараёнлар мулоқот орқали шаклланади.

Шахснинг иродавий сифатларини ривожлантириш орқали ҳам уни мулоқотга ўргатиш осон рўй беради.

Жамоа муҳитини шакллантиришда иккинчи томон ҳам бор - бу жамоа аъзоларининг руҳий маданиятини шакллантиришдир. Шу мақсадда ўқувчиларга уларнинг инсоний мулоқот, инсон шахси, бир-бирини баҳолаш хусусиятлари («мен ва бошқалар”,”мен бошқаларнинг кўзи билан”) тўғрисидаги мулоҳазаларини рағбатлантирувчи ахборотни бериш зарур. Уни иншолар, суҳбатлар, тренинглар орқали уюштириш мумкин. Махсус машқлар орқали мулоқот усулларига ўргатиш шунга тааллуқлидир. Руҳий маданиятга ўргатишни ўсмирлик ёшидан бошлаш муҳим, чунки ўз шахси ҳақидаги ахборотга қатъий эҳтиёж худди шу даврда вужудга келади. Ўсмирликда ўзининг “Мен”и хусусида зиддиятли кечинмалар бошланади. Илк ёшлик пайтида - ўз руҳий ҳолати ҳақида ҳаёл суриш кучайган, мулоқот жуда аҳамиятли ва ғоят танлаб ўтказиладиган ёшда инсон шахси, шахслараро мулоқот тўғрисидаги ахборот зарурдир.

Нутқ билан ишлаш орқали ҳам мулоқотга ўргатиш мумкин. Масалан, овозни баланд чиқариб шеър ўқиш, ҳикояни гапириш каби тренинглар ҳам

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01000

мулоқотни шаклланишига ёрдам беради. Мактабгача ёшдаги болаларни эса ўйин фаолияти давомида мулоқотга ўргатиш осон кечади.

ХУЛОСА

Демак, мулоқотга ўргатишда ўйин ва ноўйин шаклларини қўшиб олиб боришнинг аҳамияти катта:

1. Дарсга норасмий мулоқот элементларини киритиш. Айни пайтда дидактик ўйинлардан фойдаланиш, уларда мулоқот ташкилотчиси ролини муаллим эмас, ўқувчилардан бири бажариши.

2. Эътиборни жавобнинг ижобий жиҳатларига қаратиш. Ўқувчилар ўртоқларининг жавобларини холисона баҳолашга махсус ўргатилади, айни пайтда майда - чуйдаларгача эътиборни қаратиб, ўртоқларининг жавобларидаги энг муваффақиятли жиҳатларини ажратиб кўрсатишни ўрганиш. Камчиликларни қандай қилиб йўқотиш ҳақида баҳслашиш, яъни камчиликни битта ўқувчининг ўзига айтиш орқали таъсир қилиш.

3. Инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар Шарқда ўзига хос хусусиятга эга. Мулоқот жараёнини тўғри йўлга қўйиш - жамиятнинг янгиланиш даврида инсон маънавияти ва руҳиятида рўй бераётган ўзгаришларнинг психологик табиатини англашга ёрдам беради.

REFERENCES

1. Ivanov P.I., Zufarova M.YE. “Umumiy psixologiya” Toshkent: O’zbekistan faylasuflari milliy jamiyati, 2008.
2. Karimova V.M. Oila psixologiyasi. Toshkent: O`zbekiston. 2007
3. Maxsudova M.A.Muloqot psixologiyasi. Namangan . 2005.
4. G’oziev E.G`. Ontogenez psixologiyasi - Toshkent: “Noshir”, 2010.
5. Karimova V.M. Ijtimoiy psixologiya va ijtimoiy amaliyot. Toshkent. 1999
6. Гамезо М.В., И.А. Домашенко. “Атлас по психологии”.- Москва : “Просвещение” 2004.